

**НЕМИС ТИЛИДА КОЛЛОКАЦИЯЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ****Абдуллох Толипов**

ЎзМУ, ХФФ, Таржима назарияси ва амалиёти  
(немис тили) бакалавр йўналиши, 3-курс талабаси  
**Илмий раҳбар: профессор Шухратхон Имяминова**

**Аннотация:** Мазкур мақолада немис тилидаги коллокацияларнинг моҳияти, тузилиши ва асосий турлари таҳлил қилинган. Тадқиқот *Nomen + Verb*, *Nomen + Adjektiv* ва *Nomen + Nomen (Komposita)* моделлари асосида амалга оширилиб, уларнинг морфологик ва семантик барқарорлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, немис тилишуносларининг фикрлари асосида коллокацияларнинг лисоний ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Бундан ташқари коллокацияларнинг нутқ табиийлиги, ифода аниқлиги ва таржима самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнаши тўғрисида фикрлар берилган.

**Калит сўзлар:** коллокация, немис тили, лексик тизим, морфологик барқарорлик, семантик муносабат, таржима, тилишунослик коллокация, немис тили, лексик тизим, морфологик барқарорлик, семантик муносабат, таржима, тилишунослик.

**Аннотация:** В статье рассматриваются сущность, структура и основные типы коллокаций в немецком языке. Данные в статье основано на моделях *Nomen + Verb*, *Nomen + Adjektiv* и *Nomen + Nomen (Komposita)*, где анализированы их морфологическая и семантическая устойчивость. На основе трудов немецких учёных раскрывается лингвистическое и практическое значение коллокаций. Результаты показывают, что коллокации способствуют естественности речи, точности выражения и эффективности перевода.

**Ключевые слова:** коллокация, немецкий язык, лексическая система, морфологическая устойчивость, семантическая связь, перевод, лингвистика.

**Abstract:** The article examines the essence, structure, and main types of collocations in the German language. The research is based on the models *Nomen + Verb*, *Nomen + Adjektiv*, and *Nomen + Nomen (Komposita)*, highlighting their morphological and semantic stability. Drawing on the works of Hausmann, Quasthoff, and Gallmann, the study reveals the linguistic and practical significance of collocations. The results show that collocations enhance the naturalness of speech, accuracy of expression, and efficiency in translation.

**Keywords:** collocation, German language, lexical system, morphological stability, semantic relation, translation, linguistics

Сўнгги йилларда тилишуносликда коллокацияларни ўрганиш масаласи алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида шаклланиб, лексикология ва фразеология соҳаларида муҳим мавқега эга бўлди. Коллокациялар тилнинг лексик

тизимидаги барқарор бирикмалар бўлиб, сўзларнинг табиий бирикувчанлигини намоён этади ва нутқнинг равонлиги ҳамда табиийлигини таъминлайди. Шу сабабли, уларни лексик-семантик, синтактик ва морфологик жиҳатдан таҳлил қилиш замонавий тилшуносликда долзарб ҳисобланади [1].

Немис тилшунослигида коллокациялар масаласи Hausmann, Quasthoff, Gallmann ва Helbig & Buscha каби олимлар ишларида кенг ёритилган. Hausmann (1989) коллокацияни маънолари жиҳатдан ўзаро боғланган, бироқ тузилиши жиҳатидан эркин бўлмаган лексемалар бирлиги сифатида таърифлайди. Quasthoff (2011) эса коллокацияларни корпус таҳлиллари асосида таснифлаб, уларнинг тилдаги фаол қўлланиш қонуниятларини аниқлаган.

Немис тилида от (Nomen) коллокацияларнинг асосий элементи сифатида муҳим ўрин тутати. От турли морфологик шаклларда (род, сон, келишик ва ясалиш) намоён бўлиб, бошқа сўз туркумлари билан барқарор бирикмалар ҳосил қилади. Масалан, *eine Entscheidung treffen, tiefe Überzeugung, ёки Sprachwissenschaft* каби бирикмалар шулар жумласидандир.

Мазкур мақола немис тилидаги коллокацияларнинг морфологик хусусиятларини таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, асосий мақсад - уларнинг морфологик ва семантик хусусиятларини аниқлаш ҳамда немис тили тизимидаги ўрнини белгилашдан иборат.

Коллокация тушунчаси замонавий тилшуносликда лексик birlikларнинг бирикиш қонуниятларини ўрганишда муҳим назарий категория сифатида қаралади. Hausmann таъкидлашича, коллокация - “*икки ёки ундан ортиқ лексемаларнинг маънолари жиҳатдан ўзаро боғланган, бироқ тузилиши жиҳатидан эркин бўлмаган барқарор birlikдир*”. Унинг фикрича, ҳар бир тилда сўзлар фақат грамматик меъёрларга кўра эмас, балки анъанавий бирикиш имкониятларига кўра ҳам қўлланади, шу боис коллокациялар тилнинг лексик тизимидаги барқарорлик даражасини белгилайди.

Burger эса коллокацияни “*лексик ва семантик жиҳатдан чамбарчас боғланган, ammo идиомалик даражасига етмаган бирикмалар*” сифатида тавсифлайди. Унингча, коллокация билан идиома орасидаги асосий фарқ маънонинг бўлакларга бўлинишида намоён бўлади. Масалан, *eine Entscheidung treffen* бирикмасидаги сўзлар ўз маъносини маълум даражада сақлаб қолади, *aufs Spiel setzen* каби идиомада эса сўзлар маъно жиҳатдан тўлиқ бирлашиб кетади [2].

Mel’čuk коллокацияни семантик жиҳатдан “*лексик функция*” орқали изоҳлайди. Унга кўра, ҳар бир от ёки феъл маълум бир сўзлар гуруҳи билан бирикишга мойил бўлади [3]. Масалан, немис тилида *starker Regen* (“кучли ёмғир”) табиий ҳисобланса, *kräftiger Regen* камроқ ишлатилади. Бу ҳолат лексик боғланишнинг семантик устуворлиги билан изоҳланади.

Коллокацияни эркин сўз бирикмаларидан ҳам фарқлаш лозим. Эркин бирикмаларда (*ein neues Buch lesen*) ҳар бир компонентни бошқаси билан осон алмаштириш мумкин, аммо коллокацияда (*eine Entscheidung treffen*) бу имконият чекланган - бошқа феъл (*machen, nehmen*) билан алмаштириш маънони бузади [5].

Helbig ва Buscha коллокацияларнинг грамматик барқарорлигига алоҳида эътибор қаратади. Улар таъкидлаганидек, немис тилида кўпгина коллокациялар муайян морфологик шаклда доимий равишда такрорланиб келади. Масалан, *eine Antwort geben, eine Frage stellen* ёки *Hilfe leisten* бирикмаларида от доимо аниқ артикл билан келиб, кўп ҳолларда Akkusativ келишигида қўлланади. Бу ҳолат грамматик барқарорликнинг коллокация тизимидаги аҳамиятини кўрсатади [4].

Шундай қилиб, коллокациянинг лингвистик табиати уч асосий хусусиятда намоён бўлади:

1. Семантик барқарорлик - бирикма компонентлари маънода чамбарчас боғланган, лекин тўлиқ идиомалик эмас [1, 24–26].

2. Грамматик барқарорлик - бирикмалар муайян морфологик ва синтактик шаклда такрорланиб келади [5, 312–314].

3. Лексик анъанавийлик — маълум сўзлар бир-бири билан кўп қўлланиб, нутқда стереотип шакл ҳосил қилади [3, 1012; 50].

Бу хусусиятлар коллокацияни фақат фразеологик ёки грамматик бирлик эмас, балки тилнинг лексик-семантик тизимидаги муҳим категория сифатида тавсифлаш имконини беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Hausmann Franz Josef. Wörterbücher. Ein internationales Handbuch zur Lexikographie. - Berlin: de Gruyter, 1989.

2. Burger Harald. Phraseologie. Eine Einführung am Beispiel des Deutschen. - Berlin: Erich Schmidt Verlag, 2007.

3. Mel'čuk Igor. Collocations and Lexical Functions. - Amsterdam: John Benjamins, 1998.

4. Helbig Gerhard & Buscha Joachim. Deutsche Grammatik. Ein Handbuch für den Ausländerunterricht. - Berlin: Langenscheidt, 2005.

5. Quasthoff Uwe. Kollokationen in der deutschen Sprache. Ein korpusbasierter Ansatz. - Leipzig: Universität Leipzig, 2011.